

Ислон ҳамкорлик ташкилотининг фестивалида 18 та давлат қатнашмоқда



11:40 / 07.02.2019 2058

ИХТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, алоқаларни янги босқичга кўтариш мақсадида ташкил этилган фестивал 9 февралгача давом этади.

Image not found or type unknown



Фестивал турли интеллектуал ва сиёсий мавзуларга қўшимча равишда бошқа кўнгилочар тадбирларни ҳам ўз ичига олган, деб хабар беради Anadolu Ajansı ахборот агентлиги. ИХТнинг ушбу биринчи фестивали Миср пойтахти Қоҳирада бўлиб ўтмоқда. Ташкилот Бош котиби Юсуф ал-Усайминнинг айтишича, фестивалнинг асосий мақсади ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш бўлиб, Фаластин масаласи унинг бош мавзуси ҳисобланади. Фестивал доирасида турли мавзудаги фильмлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, Ислом дунёси ривожланишига катта ҳисса қўшган шахслар тақдирланган.

Islom.uz портали таҳририяти